

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА ХУЛКАР АСАДУЛЛАЕВНА**

**КЎП ФУНКЦИЯЛИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЎТА ЮҚОРИ  
ЧАСТОТАЛИ ПАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ НАМ ЎЛЧАГИЧНИНГ  
МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТИНИ ТЕКШИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.03.01 - Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Усманова Хулкар Асадуллаевна**

Кўп функцияли автоматлаштирилган ўта юқори частотали пахта материаллари нам ўлчагичининг метрологик таъминотини текшириш ва ишлаб чиқиш.....3

**Усманова Хулкар Асадуллаевна**

Исследование и разработка метрологического обеспечения автоматического многофункционального сверхвысокочастотного влагомера хлопковых материалов.....23

**Usmanova Hulkar Asadullaevna**

Research and development of metrological support for automatic multifunctional ultrahigh-frequency moisture meter of cotton materials..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА ХУЛКАР АСАДУЛЛАЕВНА**

**КЎП ФУНКЦИЯЛИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЎТА ЮҚОРИ  
ЧАСТОТАЛИ ПАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ НАМ ЎЛЧАГИЧИНИНГ  
МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТИНИ ТЕКШИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.03.01 - Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (гармоқлар бўйича)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т753 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz ларда жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исматуллаев Патхулла Раҳматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдувалиев Абдукаххор Абдулханиевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Ўлжаев Эркин**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**


**«Пахтасаноат илмий маркази» АЖ**


Диссертация химияси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил 28 ноябр соат 12-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu\_info@edu.uz).


Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «14» 11 кунни тарқатилди.  
(2018 йил 30 октябрдаги 14 рақамли реестр баённомаси)



  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.н., доцент

  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда sanoat ишлаб чиқариши ва sanoat иқтисодиёти бошқарувининг барча жабҳаларида илмий-техника тараққиётининг замонавий босқичида маҳсулот сифатини назорат қилувчи ўлчов асбобларини чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан sanoati ривожланган мамлакатларнинг пахта маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик sanoat корхоналари томонидан маҳсулот сифатини назоратлаб-ўлчовчи воситаларни ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ишлаб чиқариш корхоналарида пахта маҳсулотлари сифатига таъсир қилувчи кўрсаткичлардан бири-пахта намлигини назорат қилувчи ўлчов воситалари (нам ўлчагичлар) ни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда турли маҳсулотлар сифатини назоратлаб-ўлчовчи асбобларни ишлаб чиқаришда уларнинг катталикларни тез ва аниқ ўлчовчи сифат кўрсаткичлари, аниқлиги, ишончилигини таъминловчи усул ва воситаларнинг илмий асосларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўлчов воситаларига қўйилган энг муҳим талаблардан бири ўлчашларнинг бир хиллигини таъминлашдан иборат бўлиб, ушбу йўналишда, жумладан юқори аниқликдаги ўлчов-назорат воситалари, шунингдек, пахта материаллари учун нам ўлчагичларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга пахта тозалаш sanoatida нам ўлчагичларни ишлатиш имкониятини таъминлаш учун намлик бирликларини қайтадан тиклаш ва ишчи ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг метрологик таъминоти муаммоларини замонавий талаблар даражасида ҳал қилиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда ҳозирги кунда sanoatга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар сифатини юқори самарали назорат қилувчи тизимларни жорий қилишни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали sanoatни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан юқори аниқликка эга ва ишончли ўлчов ва назорат воситаларини ишлаб чиқиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар сифатини ошириш, илмий-техник ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни ривожлантириш, пахтачилик тармоғига инновацион ғоя, ишланма ва технологияларни жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2012 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахта саноатини бошқариш тизимини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантирилишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида бажарилган тадқиқотлар натижаларига кўра нам ўлчаш воситалари ва усуллари, ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш назарияси ва амалиётини тадқиқ қилиш муаммолари ечимларига чет эл олимларидан Kraszewski A.W., Meyer W., Kent M., Лыков А.В., Берлинер М.А., Бензарь В.Г., Кричевский Е.С., Романов В.Г., Секанов Ю. П., Сайтов Р.И. ва республикамиз олимларидан Юсупбеков Н.Р., Игамбердиев Х.З., Исмагуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Мухитдинов М.М., Азимов Р.К., Хакимов О.Ш., Шипулин Ю.Г., Абдувалиев А.А., Ўлжаев Э.У. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Республикамиз ва чет эл олимлари (Исмагуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Хакимов О.Ш., Абдувалиев А.А., Ўлжаев Э.У., Берлинер М.А., Бензарь В.Г., Kraszewski A.W., Секанов Ю. П., Сайтов Р.И.) фикрига кўра намлик миқдорини ўлчаш учун мавжуд бўлган замонавий усуллардан пахта материалларининг намлигини ўлчашга дизелькометрик, хусусан, ўта юқори частотали усул ва нам ўлчагичлар мос келишлиги исботланган бўлиб, ушбу ўлчов воситалари учун метрологик таъминот масалаларидан тўла фойдаланилмаган. Ҳозирги рақобатбардош дунёда пахта материалларининг намлигини ўлчаш тайёр маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг параметрлари, тавсифлари ва хусусиятлари ҳақида ишончли ўлчов маълумотларини олишдан иборат бўлиб, ўлчов маълумотларининг ишончилигининг кафолати улар метрологик таъминотининг асоси-ўлчашларнинг бир хиллигини таъминлашда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун пахта тозалаш саноатида ўта юқори частотали нам ўлчагичларни ишлатиш имкониятини таъминлаш учун метрологик таъминот масалалари, яъни намлик бирликларини қайтадан тиклаш ва ишчи ўлчаш воситаларига узатиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертация тадқиқоти ушбу долзарб ва талаб қилинадиган вазифани ҳал этишга бағишланган бўлиб, унда ўта юқори частотали намликни

Ўлчашларда метрологик таъминот муаммоларининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, пахта маҳсулотларининг кўп функцияли ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик тавсифларини текшириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ўрганилган.

Диссертация таққотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №21-08 «Пахта чигити учун кўп функцияли автоматик ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик тавсифларини тадқиқ қилиш» (2008-2009), №ЁФ 2-9 «Ҳар хил маҳсулотлар сифатини назорат қилиш учун микропроцессор жамламали бирламчи ўлчов ўзгарткичларини тузиш ва лойиҳалашнинг назарий асосларини яратиш» (2016-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта материаллари учун сезгирлиги оширилган ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик тавсифларини ҳисобга олган ҳолда ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик таъминотини текшириш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

намликни ўлчашлардаги метрологик таъминотнинг структуравий ва ташкилий ҳолатларининг таҳлили ўта юқори частотали нам ўлчаш ўзгарткичлари учун назорат объектлари сифатида асослаш;

намунавий нам ўлчаш воситалари асосида ўта юқори частотали нам ўлчагични ишлаб чиқариш шароитида градуировкасини, яъни нам ўлчагич чиқиш сигналининг ўлчанаётган материал намлигига боғланишини ҳосил қилиш;

пахта материаллари ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик тавсифларини экспериментал тадқиқ қилиш;

ўта юқори частотали пахта материаллари нам ўлчагичини қиёслаш схемаси ва номинал градуировкали боғланишини тезкор қиёслаш элементларини ишлаб чиқиш;

ўта юқори частотали нам ўлчагичлар метрологик таъминотини мукамаллаштириш тизимларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўта юқори частотали нам ўлчаш усули ва пахта хом ашёси намлигини ўлчовчи такомиллаштирилган микропроцессор жамламали универсал қурилма олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўта юқори частотали нам ўлчагичлардаги метрологик таъминот даражасининг турли даражаларида айланадиган ўлчов маълумотларининг бир хиллигини таъминлаш усуллари ва алгоритмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида диэлектриклар ва электродинамиканинг назариясидаги алоҳида позициялар, математик моделлаштириш усуллари, регрессияли ва дисперсияли таҳлилнинг статистик усуллари, ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик таъминотини такомиллаштириш ва экспериментларни режалаштириш

усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўта юқори частотали электромагнит майдонининг пахта материаллари билан ўзаро таъсири функцияси нам материалнинг уч (сув, курук модда ва ҳаво) қатламли модели асосида синтез қилинган;

пахта материаллари ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик тавсифлари (ўлчаш диапозони, ўлчаш хатолиги, намуна массаси ва ҳ.к.) асосида информатив ва ноинформатив ўлчов параметрларининг таъсирларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

пахта материаллари ўта юқори частотали нам ўлчагичини қиёслаш схемаси ҳамда ўта юқори частотали нам ўлчагичининг номинал градуировкали боғланишини тезкор қиёслаш схемасининг элементлари ишлаб чиқилган;

ўта юқори частотали нам ўлчагичларининг метрологик таъминотини оптималлаштиришнинг принципи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта материаллари учун мўлжалланган ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг сезгирлигини оширадиган мажмуавий структураси ишлаб чиқилган;

ҳар қандай материаллар учун ўта юқори частотали нам ўлчашдаги асосий муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи умумлашган ўлчаш ўзгарткичлари мажмуаси блок-модул принципига мувофиқ ишлаб чиқилган;

пахта материалларининг намлигини ўлчашда намуна ҳарорати ва зичлиги бўйича ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг кўрсатишига киритиладиган тузатмалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиб бажарилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг мувофиқлиги, шунингдек ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг саноат-синов апробацияси, мавжуд ва ишлаб чиқилган тизимларнинг илмий ва тажрибавий тадқиқоти ва синовлари натижаларининг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта материаллари билан ўта юқори частотали элеткромагнит майдон таъсири нам материалнинг уч қатламли модели асосида назарий текширилганлиги, ўта юқори частотали нам ўлчагич структураси таянч ўлчаш каналига бошқариладиган фаза айлантргич блокнинг киритилиши орқали такомиллаштирилганлиги, ўта юқори частотали нам ўлчагичлари учун қиёслаш ҳамда номинал градуировка тавсифларини текшириш схемаларининг ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг мажмуавий структураси мукамаллаштирилганлиги, ҳар қандай материаллар учун ўта юқори частотали нам ўлчашдаги асосий муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи умумлашган ўлчаш ўзгарткичлари мажмуаси блок-модул принципига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, пахта материаллари



ўта юқори частотали нам ўлчагининг метрологик тавсифлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта материаллари намлигини ўлчовчи микропроцессорли ўта юқори частотали нам ўлчагич структурасини такомиллаштириш ва метрологик таъминотини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

такомиллаштирилган ўта юқори частотали нам ўлчагич Янгийўл шаҳридаги «Қорасув пахтатозалаш» АЖГа жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 28 июнидаги 02-18/3901- сон маълумотномаси). Натижада нам ўлчагич аниқлиги ошиши имконини берган (хусусан, максимал нисбий хатолик 5-7 % дан ошмади);

ўта юқори частотали нам ўлчагич қиёслаш схемасининг элементлари «Қорасув пахтатозалаш» АЖГа жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 28 июнидаги 02-18/3901-сон маълумотномаси). Натижада пахта маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларида намликни ўлчаш тизимини такомиллаштириш имкони яратилган;

метрологик таъминоти оптималлаштирилган ўта юқори частотали нам ўлчагич «Қорасув пахтатозалаш» АЖГа жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 28 июнидаги 02-18/3901-сон маълумотномаси). Натижада намлик бўйича олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, пахта материалларини қайта ишлаш жараёнида электр энергияни тежаш, контактсиз ўлчаш натижасида намуна сифатининг пасаймаслиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотлар натижалари 16 та, жумладан 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Бахарилган тадқиқот натижалари бўйича 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 13 та мақола (7 та республика ва 6 таси хорижий журналларда) нашр қилинган, шунингдек битта ихтиро патентига ижобий қарор, 2 та ЭХМ учун дастур маҳсулотлари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат ва 122 саҳифадан иборат асосий матн, 20 та расм, 4 та жадвалдан ташкил топган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар

келтирилган.

Диссертациянинг «Намликни ўлчашда метрологик таъминотнинг структураси ва уни ташкил қилиш» деб номланган биринчи бобида таҳлилий характерга эга бўлган танқидий позициялардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилаётган илмий-техник муаммоларнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Метрологик таъминотни қабул қилишнинг умум қабул қилинган концепциялари ва пахта маҳсулотларининг турли тавсифлари ва хусусиятларини, автоматик ўлчаш бирлигини таъминлаш назарияси ва техникасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденциялари келтирилган.

Маҳсулот сифатини яхшилашнинг энг муҳим шартларидан асосийси - тайёр маҳсулотлар, таркибий қисмлар, технологик жараёнлар, хом ашё ва материалларнинг параметрлари, тавсифлари ва хусусиятлари ҳақида ишончли ўлчов маълумотларини олишдир. Ўлчов маълумотларининг ишончилигининг кафолати ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлашдан иборат. Метрологик таъминот деб аталган бир қатор чора-тадбирлар уни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Қиёслаш объекти сифатида нам ўлчагичларнинг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларни қиёслашда нам ўлчагичи томонидан номинал градуировка характеристикасини қайта тиклаш ҳатолигини текшириш ва натижада нам ўлчагичнинг мўлжалланган мақсадга мувофиқлигини аниқлаш керак. Намликни ўлчашда ишлатиладиган модданинг хоссаси ўзгарган бўлса, нам ўлчагични қайта градуировка қилиш керак.


Адабиётлар таҳлиliga жалб қилинган фактик материалларни синтез қилиш ва умумлаштириш ҳамда қаралаётган муаммонинг ўрганилиш даражасини таҳлил қилиш асосида диссертация тадқиқотининг аниқлаштирилган асосий мақсад ва вазифалари аниқланди.

Диссертациянинг «Ўта юқори частотали майдоннинг пахта материаллари билан ўзаро таъсирини назарий текшириш» деб номланган иккинчи бобида пахта материалларида намлик ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотлари ўртасидаги муносабатлари, пахта материалларининг намлик миқдорини назорат қилиш воситалари ва усуллари ўрганилиб, толали ва сочилувчан материалларнинг намлик миқдорини аниқлаш учун ўта юқори частотали усулларнинг назарий асослари ўрганилди.

Намликни ўлчаш усуллари одатда бевосита ёки билвосита усулларга бўлинади. Ўлчанадиган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда М.А. Берлинер бевосита усулларни иккита йирик - электр ва электр бўлмаган гуруҳларга бўлишни таклиф қилган. Биринчиси материалнинг электр параметрларини бевосита ўлчашга асосланади, иккинчисида ўлчанадиган физик миқдор электр катталики эмас. Аммо ўлчашнинг маълум бир босқичида у ҳам одатда электр сигналига айлангирилади.

Нам материаллар мураккаб тузилишга эга бўлиб, одатда уларнинг кўпчилиги бир неча таркибий қисмлардан иборат бўлади. Шунинг учун намликни ўлчашнинг асосий вазифаларидан бири намликка нисбатан юқори

сезувчанликка эга бўлган ва бошқа таъсир этувчи омилларга эса нисбатан кам сезувчанликка эга бўлган модданинг битта физикавий параметрини мустақил танлашидир.




1-расм. Бирламчи ўлчаш ўзгарткичларига кўйилган талаблар асосида тузилган назорат объектиларининг таснифи.

жараёнлар окимидаги ва конструкциявий материалларга бўлинади, шунингдек, ушбу тақсимот бирламчи ўлчов ўзгарткичларини танлашни белгилайди. Нихоят, назорат объектиларини уларнинг физикавий, механикавий ва структуравий хусусиятларига кўра 5 та гуруҳга бўламиз: каттиқ ва сочилувчан, суюқ, пастасимон, толали ва конструктив (каттиқ) материаллар, уларнинг ҳар бири учун намликни ўлчашнинг мақбул усулини танлаш ва намлик таркиби ва ўлчаш шароити даражасини ҳисобга олган ҳолда муайян турдаги дастлабки ўлчаш ўзгарткичларини ишлаб чиқиш керак. Ўта юқори частотали нам ўзгарткичлар хатоликларининг манбаилари тизимли таҳлилини ўтказиш учун уларни таснифлашни амалга оширдик (2-расм). Тавсия этилган таснифга кўра, хатоликлар объектив ва субъектив хатоликларга бўлинади. Субъектив хатоликларни қараш ушбу тадқиқотларнинг вазифасига қирмайди. Объектив хатоликлар учта синфга бўлинади: метрологик, инструментал ва услубий. Биринчи иккита фактор орқали юзага келадиган хатоликлар радиотехниканинг ўта юқори частотали диапазонда қараб чиқилган ва улар, услубий хатоликларга нисбатан бир неча бор (1-2 даражада) кичикдир.

Ўта юқори частотали нам ўчагининг ишлаш принципини қараб чиқамиз (3-расм). Узатувчи антеннадан чиқаётган электромагнит тўлқин текшириладиган ва қалинлиги  $d$  га тенг бўлган диэлектрик материалга тушади. Тўлқин материал орқали ўтаётганда энергия ютилади ( $P_{\text{пот}}$ ). Абсорбция, яъни ютилиш материал диэлектрик параметрлари  $\epsilon$ ,  $\mu$  ва қалинлиги  $d$  нинг функцияси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, электромагнит майдон материалда мавжуд бўлган сув молекулалари билан таъсир қилиб, унинг электр хусусиятларини ўзгарттиради. Намликни ифодаловчи бу ўзгариш барча ўта юқори частотали ўлчаш усулларининг

1-расмда бирламчи нам ўзгарткичларига кўйиладиган талабларга жавоб берадиган турли хил хусусиятларга қараб, назорат объектиларининг шартли таснифи келтирилган бўлиб: намлик бўйича паст, ўрта ва юқори намликли материалларга бўлинади, яъни буларга мос келувчи диэлектрик сингдирувчанлик қиймати бирламчи ўлчаш ўзгарткичларининг тури ва конструкциясини аниқлайди.


Ўлчаш шартларига кўра, назорат объектилари танланган намунадаги материалларга, технологик



2-расм. Ўта юқори частотали нам ўзгарткичларининг хатоликлари манбаилари таснифи.

асоси ҳисобланади. Биз қабул қилган уч қатламли модель бўйича нам материал сув, қурук модда ва ҳаводан ташкил топган деб қаралади. Баъзи бир мураккаб бўлмаган математик амалларни бажаргандан сўнг ушбу тизимнинг материал намлиги  $W$  га нисбатан қуйидаги ечимини ҳосил қиламиз:

$$W = \frac{1}{1 - \frac{\rho_{CH}}{\beta_C} \left[ \beta_B - (\beta - \beta_0 V_0) \frac{\alpha_B}{\alpha} \right]} \quad (1)$$



$P_{пад}$  – материалга тушаётган,  $P_{отрл}$  – материалда ютилган,  $P_{отр}$  – материалдан ўтган,  $P_{отр1}$  – 1-1 сатх чегарасидан қайтган,  $P_{отр2}$  – 2-2 сатх чегарасидан қайтган нурланиш кувватлари;  $\epsilon$  – диэлектрик киритувчанлик;  $\mu$  – магнит киритувчанлик.

3-расм. Ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг таъсир схемаси.

бу ерда  $\rho'_{сн}$  – куруқ моддаларнинг соф вазни;  $\alpha_B$ ,  $\beta_B$  – мос равишда, сувдаги сусайиш ва фаза коэффициентлари;  $\alpha, \beta$  – нам чигит материалдаги электромагнит тўлқиннинг сусайиш ва фаза коэффициентлари;  $\beta_C$  – куруқ моддадаги фаза коэффициенти;  $V_0$  – ҳавонинг ҳажмий концентрацияси;  $\beta_0$  – ҳаводаги фазавий ўзгариш коэффициенти. Ушбу манбалар учун  $V_0$  ни ҳисоблаш натижалари билан бир қаторда 1-жадвалда берилган маълумотлар билан таққослашга биноан, биз  $V_0$  нинг 6 % дан 24 % оралиғида

намликка боғлиқлиги кучсиз деган хулосага келишимиз мумкин. Унинг қиймати  $W > 16$  % оралиқда нисбатан озгина ошиши кузатилади. Ўртача қиймат  $V_{отр} = 0,46$  га тенг бўлиб, унинг четланиши 4 % дан ошмайди.

Шундай қилиб, (1) тенгламада  $\beta_0 V_0 \text{ const}$  деб қабул қилиш мумкин ва қолган катталиклар яхши маълум бўлгани учун материалнинг намлиги бутунлай ютилиш  $\alpha$  ва фаза  $\beta$  коэффициентлари билан аниқланади. Шу нуктага назардан, бизнинг фикримизча, «ўтиш» орқали ўлчашда амплитуда-фазали усул энг истиқболли бўлади.

1-жадвал


Чигит вазни, зичлиги ва эркин ҳаво ҳажмининг чигит намлигига боғлиқлиги

$W, \%$	8	10	12	14	16	18	20	22	24
$\rho_n, \text{г/см}^3$	0,77	0,77	0,76	0,75	0,73	0,72	0,70	0,68	0,67
$\rho, \text{г/см}^3$	1,40	1,42	1,40	1,39	1,37	1,36	1,34	1,32	1,3
$V_0$	0,45	0,46	0,45	0,46	0,46	0,47	0,47	0,48	0,49


Шунингдек, ўта юқори частотали тўлқин ўлчанадиган параметрларининг материал намлигига, қалинлиги ва зичлигига боғлиқлиги ҳам қараб чиқилган. Ҳозирги вақтда нам материалларнинг зичлиги ва температурасининг ўта юқори частотали тўлқинларнинг параметрларига таъсир даражасини аналитик равишда ҳисобга олиш учун ҳар бир алоҳида ҳолатда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш талаб қилинади.

Диссертациянинг «Пахта материалларининг ўта юкори частотали нам ўлчагичининг метрологик тавсифларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида пахта ва уни қайта ишлаш хомашёлари намлигининг миқдори ҳақида маълумот олиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кенг қамровли муаммоларни ҳал қиладиган ягона тизим тақриф этилди.

Биз томонимиздан тавсия этилган намликни ўлчаш асбоблари ягона тизимининг структураси 4-расмда келтирилган. Тизим пахта хом ашёси ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг намлик миқдори тўғрисида ўлчаш маълумотларини олиш билан боғлиқ барча вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Тизимнинг асосий қисмлари қуйидагилар: бирламчи намлик ўзгарткичлари комплекси; қўшимча қурилмалар ва интеграл микропроцессор билан жиҳозланган базавий ўлчаш ўзгарткичи; ўлчаш маълумотларини рўйхатга олиш ва тўплашни намойиш қилиш учун кириш, чиқиш воситаларидан иборат комплекс. Базавий ўлчаш ўзгарткичи айланувчи кюветали ўта юкори частотали нам ўлчагич ҳисобланади.



4-расм. Социлувчан ва толали материалларнинг намлигини ўлчаш учун умумлаштирилган универсал тизимнинг структуравий схемаси.




БСП-стабиллашган манбалар блоқи, БНУ-ўлчаш қурилмалари блоқи, БВВ-кириш ва чиқариш блоқи, Кювета-намуна солинган идиш, ДТ-харорат датчиги, ШД-қадамли двигателъ, А1 ва А2-рупорли таркатувчи ва қабул қилувчи антенналар, М1, М2-мос равишда ўта юкори частотали генератор ва детектор.

5-расм. Микропроцессор қурилмали ўта юкори частотали нам ўлчагичнинг структуравий схемаси.

Нам ўлчагичнинг структуравий схемаси 5-расмда, функционал схемаси эса 6-расмда келтирилган. Кюветанинг вертикал ўқ атрофида айланиши, нам ўлчагичнинг қопқоғида жойлашган калит билан бошқарилади. Асосий нам ўлчагич блок-модул принципага мувофиқ қурилган. Нам ўлчагичнинг ўта юкори частотали йўли қуйидагича: А1, А2 – узатувчи ва қабул қилувчи антенналар, М1, М2 – ўта юкори частотали модуллар (ФБДН-1Г и ФБДН-2Д,

мос равишда ўта юқори частотали генератор ва детектор) ва ҳарорат датчиги (ДТ) дан келган сигналлар базавий ўлчаш ўзгартгичининг асосий ўлчаш қурилмасига юборилади, бу ерда ўта юқори частотали тўлқиннинг камайиши –  $N_L$ , фаза силжиши –  $\phi$  ва намуна температураси –  $t$  сигналлари микроконтроллерга узатиш учун стандарт сигналларга айланади. Нам ўлчагичда асосий таъсир қилувчи катталиклар (ҳарорат, зичлик) таъсирида юзага келадиган хатоликларни ҳисобга олиш назарда тутилган.


Микропроцессор (МП) нинг доимий хотирасига ўлчов параметрларининг градиуровкали характеристикалари (чиқиш сигналининг намликка боғлиқлиги), шунингдек материал намлиги билан математик боғлиқ бўлган таъсир этувчи омилларнинг градиуровкали характеристикалари клавиатура (кириш ва чиқиш блоки) ёрдамида киритилади. Бундай ҳолатда ўлчов воситаларининг чиқиш сигналлари ( $N_L, \phi, t$ ) микроконтроллер қурилмасига берилади. Микропроцессор барча ҳисоблаш операцияларини бажаради. Модда намлигининг нам ўлчагич кўрсатишига боғлиқлигини ифодаловчи полином ҳисоблангандан кейин материалнинг намлик микдори рақамли шаклда индикатор орқали кўрсатилади.



6-расм. Мукаммаллаштирилган ўта юқори частотали автоматлаштирилган нам ўлчагичнинг функционал схемаси.


Босқичда ахборот вазифаси шакллантирилди; иккинчи bosқичда ўлчаш алгоритмини амалга оширадиган дастур ишлаб чиқилди; учинчи bosқичда эса нам ўлчагич иш жараёнининг алгоритми фойдаланилган микропроцессорнинг машина тилига ўтказилди.

Назарий хулосаларни синаш, шунингдек намликни ўлчаш хатоликлигига информатив бўлмаган параметрларнинг таъсирини аниқлаш учун ўта юқори частотали нам ўлчагичда лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.



7-расм. Намликни ўлчаш нисбий хатолигининг пахта чигити зичлигига боғлиқлиги.

Материал ҳажмий массаси ўзгаришининг вариация коэффициентига боғлиқлигига қараб ўлчанадиган намунанинг оптимал зичлиги қиймати ( $P_{opt}=350 \text{ кг/м}^3$ ) ни аниқладик (7-расм). Нам ўлчагич градуировкаси (8-расм) регрессион таҳлил усули ёрдамида Тошкент вилоятидаги «Қорасув пахтаозалаш» АЖ пахта тозалаш заводидаги технологик лабораториясида амалга оширилди (09.02.2018 й. да «Қорасув пахтаозалаш» АЖ томонидан тасдиқланган синов актлари).



8-расм. Пахта чигити учун ўта юкори частотали нам ўлчагичнинг эксперимент натижасида олинган градуировкали боғлиқлиги.




Градуировка натижасида нам ўлчагич кўрсатиши  $N$  нинг чигит намлик миқдори  $W$  билан боғлиқлигини ифодаловчи иккинчи даражали полином тенгламаси коэффицентлари аниқланди:

$$N = 2,8665W^2 + 84,025W + 831,65. \quad (2)$$

Экспериментал натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, намуна зичлигининг  $\pm 5\%$  га ўзгариши  $\pm 0,5\%$  (абс.) намлик хатолига олиб келади. Шунинг учун нам ўлчагични ишлатишда намунадаги доимий зичликни таъминлаш ёки ушбу омилнинг таъсирини ҳисобга олиш керак.

Ўта юқори частотали сигналнинг намуна ҳароратига боғлиқлиги 9-расмда кўрсатилган. Ҳароратнинг  $\pm 10^\circ\text{C}$  га ўзгаришида намлик даражасига қараб, намликни ўлчаш хатолиги  $\pm(0,3-0,6)\%$  га тенг бўлиши аниқланди. Шунинг учун, ушбу қурилмани қўллаётганда ҳароратнинг ўзгаришига тўзатма киритиш керак. Синовлар давомида пахта чигитининг намлигини ўлчаш натижаларининг лаборатория усулида аниқлаш натижалари билан яқинлашиши ва тарқокликлари  $O^zDSt\ 600:2008$ га мувофиқ аниқланди.



9-расм. Нам ўлчагич кўрсатишининг намуна температурасига боғлиқлиги.

Диссертациянинг «Пахта материалларининг ўта юқори частотали нам ўлчагичининг метрологик таъминоти» деб номланган тўртинчи бобида ўта юқори частотали нам ўлчагичларида метрологик таъминот муаммолари ишлаб чиқилди. Нам ўлчагичларни, шунингдек бошқа ўлчаш воситаларини оптималлаштириш учун зарур бўлган шарт-шароит, ўлчовларнинг бирхиллилиги ва аниқлиги метрологик таъминотини ташкил этиш ҳисобланади.

Метрологик таъминот ва унинг сифати намликни ўлчайдиган асбоблар ишлаб чиқариш (асбобсозлик) ва уларнинг ишлатилиши (ўлчаш техникаси) билан ўзаро боғлиқ. Ушбу соҳалар мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган ягона тизимни ташкил этади. Ушбулардан пахта, унинг таркибий қисмлари ва дастлабки қайта ишлаш маҳсулотларининг намлигини ўлчашдек

Олинган ўлчов натижа-ларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бир хил намуна термогравиметрик усул ҳамда ўта юқори частотали нам ўлчагич ёрдамида параллел намлиги аниқлангандаги намлик фарқи 0,25% дан ошмади. Бир кунлик умумий намунадаги ўлчовлар орасидаги номуносивлик намликнинг 0,1% идан ошмади.

аниқ бир муаммони ҳал қилиш зарурлиги ва бу ўлчашларнинг метрологик таъминланишига етарлича эътибор берилиши кераклиги келиб чиқади.

Қаттиқ моддаларнинг намлигини ўлчашдаги метрологик таъминотининг ҳозирги ҳолати кўпчилик материаллар учун нам ўлчагичларнинг стандарт намуналар ёрдамида қиёслаш тизими ишлаб чиқилганлиги ва синовдан ўтганлиги билан тавсифланади. Кўпчилик намунавий воситалар ва стандарт намуналар дизелькометрик юқори частотали нам ўлчагичлар учун мўлжалланган. Пахта чигитлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг нам миқдорини ўлчаш юқори аниқликдаги қурилма томонидан тикланадиган бирликка асосланиши керак. Ушбу соҳадаги энг юқори аниқликдаги қурилмалар ҳаво-иситиш қурилмалари гуруҳидан иборат бўлади (Ўз-8).

Ўта юқори частотали нам ўлчагичларини, хусусан, пахта ва пахтани қайта ишлаш маҳсулотларининг нам ўлчагичларини метрологик жиҳатдан таъминлаш ҳолати жуда ҳам ёмон. Ушбу материаллар учун намликни аниқлашда фақат термогравиметрик усул регламентланган. Ўта юқори частотали нам ўлчагичлар метрологик таъминотининг чалалиги, биринчи навбатда, намлик бирликларини намунавийдан ишчи ўлчаш воситаларига узатишнинг зарур техник воситалари ва усуллари йўқлиги билан изоҳланади.


Ўта юқори частотали нам ўлчагич учун янада илғор метрологик таъминотни яратиш учун ишлаб чиқариш ва ишлатиш босқичларида тўлиқ метрологик аттестатлаш ва назорат қилиш имконини берадиган янги техник воситаларни яратиш керак. Бизнинг фикримизча, ушбу турдаги асосий техник воситалардан бири юқори аниқликдаги ўта юқори частотали нам ўлчагичдир.

Намлик бирлигини узатишнинг техник воситаси сифатида стандарт намлик имитаторлари ҳам қўлланилади. Бироқ, нам материалларнинг асосий физикавий ва механик хусусиятларини қайта тикловчи шундай имитаторларни яратиш жуда қийин.

10-расмда, пахта ва пахта материаллари ўта юқори частотали нам ўлчагичлари учун биз тавсия этган қиёслаш схемаси келтирилган. Унда юқори аниқликдаги қурилмалар, ҳар хил разрядли намунавий ўлчов воситалари, ишчи ўлчов воситалари ҳамда ўлчов бирлигини юқори разряддан паст разрядга ўтказиш воситалари мавжуд.


Намлик қийматини тиклаш оралиғи 5-30 %. Ўлчов бирлигини тиклашнинг ўрта квадратик четланиши 0,02 % дан кўп эмас.

Ишчи ўлчов воситалари сифатида биз юқори аниқликдаги ўта юқори частотали нам ўлчагичларни тавсия қиламиз. Улардан фойдаланилганда ишчи ўлчов воситаларининг рухсат этиладиган мутлоқ хатоликлари 0,95 ишончлилик эҳтимолида 0,4 дан 0,6 % гача ораликда бўлади.



10-расм. Пахта маҳсулотлари ўта юқори частотали нам ўлчагичини қиёслаш схемаси.

Нам ўлчагичларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш имкония-тини таъминлаш ҳамда уларнинг номинал градуировка тавсифини қиёслашда ишлатиладиган қиёслаш схемаларининг элементларини ишлаб чиқдик (11-расм). Номинал градуировка тавсифини текшириш принципи қуйидагича: нам ўлча-гичнинг ўта юқори частотали ўлчаш каналига,  $A_1$ ,  $A_2$  – рупорли тарқатувчи ва қабул қилувчи антенналар орасида жойлашган бирламчи



$A_1, A_2$  - таркатувчи ва қабул қилувчи антенналар,  $M$ -материал (намуна),  $At$ -аттенюатор,  $ИП$ -таъминот манбаи.

11-расм. Нам ўлчагичнинг номинал градуировкали характеристикасини қиёслаш схемаси.

Ўлчаш ўзгарткичи – датчик, яъни кюветадаги материал ( $M$ ) бўлмаганда, навбати билан материалнинг минимал, максимал ва ўртача намлигига мос келувчи тўлқин ютилиши ҳосил қилинади. Намунавий ўлчов сифатида маҳкамланган аттенюаторлардан ( $At$ ) фойдаланиш мумкин. Таклиф этаётган вариантимида, намунавий ўлчов сифатида, ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг ўлчаш каналига қўйиладиган  $p-i-p$  аттенюаторидан фойдаланамиз. Бундай ҳолда, тўлқин камайиши

аттенюаторнинг киришига бериладиган ток қийматлари ( $I_1, I_2$  ва  $I_3$ ) билан аниқланади. Текшириш жараёни нам ўлчагич кўрсаткичларини нам ўлчагичнинг паспортда кўрсатилган намлик қийматлари билан таққослашдан иборат.

Ўта юқори частотали бирламчи ўлчаш ўзгарткичларини қиёслаш киммат ва кўп вақт сарфлайдиган ишдир. Буни етарли даражада самарали, мумкин қадар кам харажат эвазига талаб қилинадиган иш ҳажмини оқилона аниқлаш жараёнлари, қиёслаш интерваллари давомийлиги, намуна салмоғи сони билан белгиланади.

Одатда, ўлчов воситаларининг қиёслаш орилиғини ўрнатиш учун метрологик кўрсаткичлар бўйича бузилмасдан ишлаши ва хатоликнинг ўзгариш тезлиги мезонлари қўлланилади. Метрологик бузилишлар бўйича бузилмасдан ишлаш критерияси тажриба ўтказишга мўлжалланган бирламчи ўлчов ўзгарткичидан кейин қиёслаш орилиғини баҳолашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$t = \frac{[1 - P_3(t)T]}{1 - P_H(t)} \quad (3)$$

бу ерда:  $P_H(T)$  –  $T$  вақтда метрологик бузилишлар бўйича бузилмасдан ишлаш эҳтимоли,  $P_3(t)$  – қиёслаш орилиғи учун берилган метрологик бузилишлар бўйича бузилмасдан ишлаш эҳтимоли, одатда 0,95 га тенг қилиб олинади.

Бирламчи ўлчов ўзгарткичининг метрологик аттестациясидан сўнг қиёслаш орилиғи аниқланганда,  $V_\Delta(t_{0,i})$  хатоликларнинг  $M[t_{0,i}]$  вақт орилиғида ўзгариш тезлиги критериясидан фойдаланилган. Бундай ҳолда, қиёслаш орилиғи интервалининг  $i$ -бахоси қуйидаги формула билан белгиланади:

$$T_i = K_1 \frac{1}{K_2} \frac{\Delta_0 \Delta_\varphi}{V_\Delta(t_{0,i})} \quad (4)$$

бу ерда  $K_1$  – бирламчи ўлчаш ўзгарткичининг интенсивлик коэффциенти.

Бирламчи ўлчаш ўзгарткичининг даврий ишлашида  $K_1=1$ , узлуксиз ишлашида эса  $K_1=0,8-0,9$ ;  $K_2$  – иш шароитларини ҳисобга олган ҳолдаги коэффциент. Қаралаётган ҳолат учун  $K_2=1$ ;  $\Delta_f$ –аттестация натижаларига асосланган рухсат этилган хатоликлар чегараси;  $\Delta_0$  – меъёрий-техник хужжатларда белгиланган ўлчов хатолиги.

Ўта юқори частотали ўлчаш ўзгарткичлари битта ўзгартириш функциясига эга. Шунинг учун ишончли намуна салмоғини ҳисоблаш куйида келтирилган формулалардан биттаси бўйича амалга оширилиши мумкин:

$$n = \frac{t^2 \sigma N}{b^2 N + t^2 \sigma^2} \quad (5)$$

ёки

$$n = \frac{t^2 N}{4bN + t^2} \quad (6)$$

бу ерда:  $N$  – умумий ташкил этувчилардан бирламчи ўлчов ўзгарткичлари сони;

$\sigma$  – жами муҳим хатоликлар тавсифлари (ўрта квадратик четланиш);  
 $t$  – Стьюдент коэффциенти;

$b$  – тажрибадан олинган ишлатишлар асосидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган фоизлардаги хатоликлар.

Умумий бирламчи ўлчаш ўзгарткичларининг хатоликлари характеристикаларини ўлчашда – ўрта квадратик четланиш маълум бўлганда (5) формула ишлатилади, акс ҳолда (6) формуладан фойдаланилади.

Метрологик таъминот тизимидаги қиёслаш жараёнида юқори аниқликдаги ўта юқори частотали нам ўлчагичлардан фойдаланиш истиқболли йўналиш бўлиб, у қиёслаш, градуировкалаш жараёнларининг самарадорлигини таъминлайди ҳамда ишчи ўлчаш воситаларининг ишчанлигини тезкор назорат қилиш имконини беради.

## ХУЛОСА

«Кўп функцияли автоматлаштирилган ўта юқори частотали пахта материаллари нам ўлчагичининг метрологик таъминотини текшириш ва ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар қилинган:

1. Намликни ўлчашлардаги метрологик таъминотнинг структуравий ва ташкилий ҳолатларининг таҳлили ўта юқори частотали нам ўлчаш ўзгарткичлари учун назорат объектлари сифатида асосланган. Нам ўлчаш воситаларининг хатолик манбалари таснифланган ва уларни тизимлаштириш орқали илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган. Ўта юқори частотали нам ўлчагич структураси ва метрологик таъминотини такомиллаштириш имконини берган.

2. Ўта юқори частотали ўзгарткичларининг хатоликларини баҳолаш имконини берувчи информатив параметрлари (ўта юқори частотали тўлқин

амплитуда ва фаза камайишлари) нинг материаллардаги намлик боғланиш формаларига таъсир қонуниятлари аниқланган. Ушбу боғланишлар ўта юқори частотали электромагнит майдонининг пахта материаллари билан ўзаро таъсири функцияси нам материалнинг уч (сув, курук модда ва ҳаво) қатламли модели асосида синтез қилиш имконини берган.

3. Намуна зичлигининг  $\pm 5\%$  гача ўзгариши  $\pm 0,3\%$  намлик ўлчаш хатолигига, ҳароратнинг  $\pm 10\text{ }^\circ\text{C}$  гача ўзгариши намлик қийматиغا қараб  $\pm(0,3-0,6)\%$  гача бўлган хатоликларга олиб келиши аниқланган. Натижа пахта материалларининг намлигини ўлчашда намуна ҳарорати ва зичлиги бўйича ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг кўрсатишига киритиладиган тузатмаларни аниқлаш имконини берган.

4. Ҳар қандай материаллар учун ўта юқори частотали нам ўлчашдаги асосий муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи умумлашган ўлчаш ўзгарткичлари мажмуаси блок-модул принципига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг мажмуавий структураси мукамаллаштирилганлиги, ҳар қандай материаллар намлигини тегишли датчиклар ёрдамида ўлчаш имконини берган.

5. Пахта материаллари учун ўта юқори частотали нам ўлчагичнинг қиёслаш схемаси ҳамда ўта юқори частотали нам ўлчаш ўзгарткичларининг номинал градуировкали тавсифларини қиёслаш учун тўлқин узатгич ичига ўрнатилган намликнинг намунавий ўлчови ишлаб чиқилган. Натижа нам ўлчагични тезкор қиёслаш имконини берган.

6. Қиёслаш оралиғи интервали давомийлигини белгилаш критериялари ҳамда ўта юқори частотали ўзгарткичларнинг танлов салмоғини ўрнатиш бўйича меъёрлар ишлаб чиқилган. Олинган натижалар ўта юқори частотали нам ўлчагичларни қиёслаш жараёнини оптималлаштириш имконини беради.

7. Метрологик хоссалари яхшиланган пахта материалларининг нам ўлчагичи «Қорасув пахта тозалаш» АЖ пахта тозалаш заводининг технологик лабораториясида тажриба синовларидан ўтказилган ва жорий қилинган бўлиб, натижада технологик жараёнлардан намлик тўғрисидаги олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг ошишига эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**УСМАНОВА ХУЛКАР АСАДУЛЛАЕВНА**

**ИССЛЕДОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА МЕТРОЛОГИЧЕСКОГО  
ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОМАТИЧЕСКОГО МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНОГО  
СВЕРХВЫСОКОЧАСТОТНОГО ВЛАГОМЕРА ХЛОПКОВЫХ  
МАТЕРИАЛОВ**

**05.03.01 - «Приборы. Методы измерения и контроля (по отраслям)»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/T753

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на языках узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Исмагуллаев Патхулла Рахматович  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдувалиев Абдукашхар Абдулханевич  
доктор технических наук, доц.

Улжаев Эркин  
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

АО «Пахта саноат илий маркази»

Защита диссертации состоится 28 ноября 2018 года в 12-00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за № 60. Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «14» 11 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № 14 от 30 октября 2018 года).



Н.Р. Юсупбеков

член Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик

Ж.У. Севинюв

заместитель секретаря научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

Х.З.Игамбердиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире во всех сферах промышленного производства и управления экономикой на современном этапе научно-технического прогресса особое внимание уделяется модернизации и разработке измерительных приборов, контролирующих качественные параметры продукции. В крупных промышленных предприятиях развитых стран, выпускающих хлопковую продукцию, большое значение уделяют производству контрольно-измерительных приборов, улучшающих качество продукции, в связи с этим особой задачей является производство измерительных приборов (влажномеров), контролирующих влажность хлопковых материалов, являющуюся одним из основных параметров, от которых зависят качественные показатели хлопковых материалов.

В мире осуществляются научные исследования, направленные на обеспечение требуемого качества продукции, разработку методов аналитического контроля, сложных технологических процессов, совершенствование первичных измерительных приборов, высокоточных и быстрореагирующих автоматических влагомеров. Одним из основных требований, предъявляемым к измерительным средствам, является обеспечение единства измерений, в связи с этим особое значение уделяется выпуску высокоточных контрольно-измерительных приборов, в том числе влагомеров хлопковых материалов. Обеспечение эксплуатации измерителей влажности в хлопкоочистительной промышленности является важным условием качества продукции. Что же касается применения влагомеров в хлопкоочистительном производстве, то здесь необходимо разработать мероприятия, направленные на воспроизведение единицы влажности и передачи ее рабочим средствам измерения.

Сегодня в Узбекистане особое внимание уделяется внедрению инновационных технологий в промышленность, реализации высокоэффективных систем контроля за качеством полупродуктов и конечной продукции. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена ответственная задача: «... дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего, по производству готовой продукции с высоко добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>1</sup>. Для достижения поставленных задач существенно важным является повышение качества производимой продукции и полуфабрикатов за счет разработки высокоточных надежных технических и опытно-конструкторских исследований, внедрения в отрасль средств измерения и аналитического контроля, а также развитие научно-

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

хлопководства инновационных идей, разработок и технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, Указом Президента Республики Узбекистан № УП-3238 «О мерах по дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий» от 23 августа 2017 года, Постановлением Президента № ПП-3408 от 28.11.2017 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

